

ИСРОИЛ СУБҲОНИЙ

ШЕЪРЛАР

БИР ТОМЧИ ЁШ

Бир томчи күз ёшга арзимоқ учун,
Шу буюк шарафга етмоқ учун, бас
Етти иқлимини забт этмоқлик нечун?!
Мангу тилсимварни ечмоқ шарт әмас.

Төгни уриб талқон қылмоқ на ҳожат?
Осмоннинг устуни бўлмоқлик надир?
Сени деб бартараф бўлса ҳам оғат,
Топмассан бунчалик инсоний қадр.

Турғун бўлиб қолса бошингда қуёш,
Одамлар соянгга берсалар салом.
Каъбага айланса сен ўтирган тош,
Мармарга битилса сен айтган калом.

Жаҳоний мартаба бўлса-да восил,
Ва қибла саналса сен юрган тараф.
Шунда ҳам мартабанг бўлмагай ҳосил,
Муяссар ўлмағай бунингдек шараф.

Бир томчи күз ёшга арзимоқ учун
Бир содда дил керак, бир шаффоф юрак.
Бир оддий одамдек севмоқ, инчунин
Бир оддий одамдек севилмоқ керак.

БИР ЖУФТ ТЕРАК

Ариқ ёқасида бир жуфт оқ терак,
Майин шитирлайди, бир қадар мунглиғ.
Ўсмирилик чоғимдан бергувчи дарак,
Ул масъул муҳаббат әлчиси янглиғ –

Ариқ ёқасида бир жуфт оқ терак.
О илоҳий ишқим, қайдасан, нечун
Қалбимни тарқ этиб, кўзим ёшладинг?!
Турмуш пўртанаси оқизиб бугун
Мени қай соҳилга элтиб ташлади?!
Тераклар ҳам энди илгаригидек
Илоҳий эмасдир, муқаддам эмас.
Мунғайиб туришар – мунглиғ ва ғариб,
Зарра эҳтиrossиз олурман нафас.
Сехрли осмоним, сирли шудринглар,
Барҳаёт ҳидларга тўлган, эй, дунё!
Эртакдан ширинароқ шивир-шивирлар
Наҳотки, наҳотки қайтмаслар асло!
Мен сени соғиндим севгим, кела қол,
Сенингсиз етимман, ёлғиз, бегона.
Судралиб юрибман чувалчанг мисол
Худонинг кунига айтиб шукронга.
Аммо гоҳ-гоҳида оғритиб жоним.
Юрагим жизғанак қиласи бир куч.
Наҳот қайтмас энди ишқий имоним,
Наҳотки, буларнинг бари ширин туш?!
Бугун эҳ-хушлиман, обрў муқаррар,
Юриш-туришим ҳам жуурур росмана.
Барчасини нисор айлардим магар
Бир пастина қайтсанг – “баҳтли девона”.
Қалбим, биз у кунлар муаззам эдик,
Асли ўша эди ҳаёт деган сўз.
Кичик бўлиб қолдик, жуда ҳам кичик
Гарчи қўлимизда дунёвий нуфуз.

Ариқ ёқасида бир жуфт оқ терак
Майин шитирлайди, мунис ва мунглиғ...

ХИЁНАТ

Нечун дилим зада, аҳволим забун,
Неча муддатеки хотир паришон.
Мендан юз ўғирмиш ўшал бахтли кун,
Мендан юз ўғирмиш ўшал тахтли шон.

Бугун саҳар мардон ўрнимдан туриб,
Гуноҳимни англаб қолдим ногаҳон:
Ўз қалбимга ўзим хиёнат қилиб
Шеър битмай қўйганман бир неча замон.

Мени қарғамишdir шеър илоҳаси,
Юзи қаро бўлдим айлаб хиёнат.
Ўз-ўзидан айри тушгандა қиши
Содир бўлар экан улкан жиноят.

ТАРЖЕЪБАНД

Оқил бўлмоқ жонингга
раво кўрмоқ жабрлар,
Еган нонинг тоқату
ичган сувинг сабрлар.
Ҳолбуки бу дунёning
андозаси ушмундок;
Маъноси муножоту
ҳокими “алжабр”лар
Гўё тақдири азал
тушдек содир бўлгану,
Энди эса бу ҳаёт –
кўрилмоқда таъбирлар.
Ҳар бир одам ичида
бордир дўзах – беҳишти,

Бордур шайтону, раҳмон
бехуда бу сатрлар.
Маймун одам бўлиши
эҳтимолга яқинроқ,
Вале зоти пастларга
даво фақат қабрлар.
Ўн саккиз минг оламда
ўн саккиз минг олам бор,
Бу ўн саккиз – ўн саккиз
минг оламга татирлар.
Ақл ҳайрон, идрок лол
бу ишларга азалдан,
Яна тавбу-тазарру
қилмас мутакаббирлар.
Субҳон муродинг аён –
дониш олмоқ, лоф урмоқ –
Эрур нодонлигингга
фақат имон келтирмок.

УЧИНЧИ МИЛЛАТ

Сен на рус, на ўзбек, на форс, на араб,
На хинди, на фаранг, на бошқа хилқат.
Магар икки миллат бўлса бир тараф,
Сен ўша бетайин учинчи миллат.

Сенда на Ватан бор, на тарих, на рух,
На бир муқаддам сўз, на Қодири ҳақ.
Саробга сифиниб яшайман ёху!
Тириклик – муаллақ, маъно – муаллақ!

Навоий – бетаъсир, Ҳофиз – бедаҳл,
Ҳазрат Толстой ҳам шунчаки граф.

Сен мансуб мантақа анвойи фасл,
Түрт томони қибла – номаълум тараф.

Луғатингда йўқдир “илдиз” деган сўз,
Вазнсиз, оёғи осмондан ҳолот.
Кўз-қошинг бўлса ҳам мавжуд эмас юз,
Таваллуд аёну, маълум эмас зот.

Беш сезги аъзони чалғитувчи куч,
Етти иқлимда йўқ антиқа гурӯҳ.
Одамзод бошига тушган бу азғич
Режангда йўқ эди пайғамбари Нуҳ.

Ё тавба, ба қандай мавжудот иши,
Ўз “ўқи”дан чиқиб кетмоқда юрак
Одамзод, учинчи жаҳон уруши.
Эҳтимол, эҳтимол шу бўлса керак.

ЭНДИ СЕН МЕНИКИ ЭМАССАН...

Энди сен меники эмассан, тамом,
Энди сен ҳаммасан, мен эса яrim.
Энди минг уринма – қилмасман инъом
Шириндан ҳам ширин “ҳақоратларим”.

Энди иззатингни келтиргум бажо,
Такаллуф қилурман киборларга хос.
Энди сендан фақат битта илтимос:
“Бир тарсаки ур” деб қилма илтимос..

Энди мен сен учун силлиқ бегона,
Беозор ўткинчи, хуштабассум зот.

Гарчи сенсан ҳамон “иккинчи она”,
Гарчи менман ҳамон танҳо “зурриёт”.

Энди сенга бергум жону жаҳоним,
Қўлимда неки бор аямам сендан.
Фақат “ўзинг бўл” деб қийнама, жоним,
Девона аслимни сўрама мендан.

Энди бу “гавҳар” ни беролмасман, бас,
Ҳатто ўзимдан ҳам тутарман пинҳон.
Жонсиз ҳайкалимга тиф урса чиқмас –
На бир томчи кўз ёш, на бир қатра қон.

Сипо салтанатга эришдик, мана,
Ишқий можарога қолмади ҳожат.
Бунда ҳамма нарса қилар тантана,
Фақат бир бурчақда йиғлар муҳаббат.

СЕВГИ МОТАМИ

Севги мотамида иштирок этмоқ,
Нақадар мунгли ва нақадар қийин.
Тасалли бергувчи, юпатгувчи йўқ,
Мотам ижрочиси фақат – сен ва мен...

Ўз қўлими билан ўлдирдик уни,
Юракни илоҳдан айладик жудо.
Арзимаган ғурур, рашқ ўти учун,
Қалбимиз мангуга айтдилар видо.

Сен ўтирган тош ҳам энди бут эмас,
Шунчаки аянчли, оддий харсангтош.
Йўқ, йўқ остоңангдан бошланмас дунё,

Бошиңгдан ҳам энди чиқмайди қүёш.

Күкдан ойни юлиб беролмайман, йўқ,
Бундай ишга энди етмас мадорим.
Қайғурмоқ баҳтидан маҳрумман бугун,
Тиз чўкмоқ баҳтига йўл қўймас орим.

Мен сени йўқотдим, йўқ, йўқ ўзимни,
Осмонимдан ўтган турналар қайтмас.
Йўқ, йўқ, балки ўтар, яна бир ўтар,
Лек энди мен севган қўшиқни айтмас...

АЛВИДО МУҲАББАТ

“Севмайман, бўлди бас, севмайман уни
Арзимас заррача муҳаббатимга.
Ёлғиз эдим, ёлғиз қолурман яна,
Майли, қарамасин асло бетимга!

Бехудадир ундан вафолар кутиб,
Излаган – иккинчи ярмимни топмоқ.
Иштаҳаси карнай бандалар учун
Ул – емиш, мен эса буюк бир ахмоқ!

Ёлғиз эдим, ёлғиз қолурман яна
Йиғлоқи шеърларим – овунчоқларим.
Мен уни неча йил изладим, аммо.
То ҳануз бу кўнгил – етим ва ярим...

Алвидо, муҳаббат!
Қаноти синган
Эй, мажруҳ туйғулар йиғлайсиз нега?
Мен дафн этаман ўзимни бугун

Яна ўша турмуш қабристонига!"

Фақат яна бир бор кўрсайдим Уни,
Атиги бир марта, шунчаки, бир оз.
Тузалиб қолдими оғриган қўли,
Сўраб билмоқчиман, бор гап шу, холос.

Қидириб топганим – ноёб дорини,
Сўнг ўз қўлим билан ўрамоқчиман.
Юқорида айтган гапларим учун
Тиз чўкиб кечирим сўрамоқчиман...

МЕНИ ЭСЛА....

Рухий осудалик ҳукм сурганда
Тилингда айлансин бир хотира байт.
Юрак соғинч ҳисси билан урганда:
Мени эсла ёмғир ёғаётган пайт.

Дераза бетига атлас томчилар,
Томчимас сен уни кўз ёши деб айт.
Бир ширин хўрсишиб қўйсанг, бас, сўнgra
Мени эсла ёмғир ёғаётган пайт.

Безовта қилмасин ўй ва ташвишлар
Бу нотинч дунёдан ўз дунёнгга қайт.
Қалбингни безаса дилбар туйгулар
Мени эсла ёмғир ёғаётган пайт.

Дераза ортидан теракка қараб,
Энг яқин исмни сўнг пицирлаб айт.
Сендан ҳеч нарсани сўрамам, фақат:
Мени эсла ёмғир ёғаётган пайт...

РОСБАДАН

Мана, тағин келдим сизга ютоқиб,
Болалиқдан таниш әгри сүқмоқлар.
Қишлоқ болалари билан қўй боқиб,
Қуёш ботишини кузатган чоғлар...

Навматак ўрикка ирғитиб кесак,
Тиллоранг неъматдан баҳра олган дам:
Тўрт кунлик туюлмас умр ҳам бешак,
Ўйлардик: абадий яшайди одам.
Оқшом...
Юлдузлари сийрак бир осмон...
Юлдузлар қорайган, анқийди ялпиз.
Ниҳоят қўйлар ҳам энди ҳар замон.
Қишлоқ томон қараб-қараб қўйган кез...
Шафақ ёруғида “Илон пари”ни
Ўқирдим, тингларди бир туп болакай.
Ҳали билмас эдик – халқ дардларини,
Эртакка йўгириб берганин атай.

Мен агар сўйласам Қўнғирот ёқдан,
Болалар хаёли Юлғунмозорда.
Бири боғдан келса, бириси тоғдан,
“Тарозилар” турфа эди “бозор”да.
Барибир эртакка ишонар эдик,
Гўдак онасига ишонган каби.
Сўнгроқ мағрут туриб: “Бу ёлғон!” – дедик,
“Маърифатли” қилгач шўро мактаби.
Муаллим: “Аждаҳо, дев йўқ” – дер эди, -
Одам ҳам маймундан тарқаган, ишон!

Одамлар “маймун”га айланиб кетди,
Маймуналар одамга айланмас ҳамон.
Ҳозир-да биздан-да баҳтлиси йўқдир,
Ўша оқшом: қуёш ботаётган пайт.
Хоҳлаганча хаёл суравер, ҳайқир,
Хаёлга келганни истаганча айт.
Кўпчиган тупроқда “илон излари”
Асли болаларнинг ҳазиллари бу.
Ёвондан қайтаркан қишлоқ қизлари
Шу ерга етганда тўхтайди кулгу.
Улар даврасига чиқиб турадим,
Эшакда ташиб сув – чойнак-пиёла...
Ҳазин нигоҳларин ўқиб турадим:
“Нақадар баҳтлисан шаҳарлик бола!”
Офтоб жағ-жағида уришар кетмон,
Қасаноқ қўллари охири шўрлар.
Тутнинг соясига чиқишган замон,
Яна ҳазилларин қўймас қурғурлар.
Олисдан кўринар “биргат” қораси,
Муштини хавога ўқталиб ёмон.
Яна зерикарли пахта ораси,
Қизларни ютарди бамисли ўпқон.
Шаҳарга элтувчи танҳо автобус,
Тош йўлдан ғизиллаб ўтиб қолган чоқ,
Кетмондан қизлар бош кўтариб маъюс,
Ортидан термулиб қолишар узок...

Мана, тағин келдим кун ботар маҳал,
Эй, она қишлоғим, ҳапқириб юрак.
Эшик оғалари каби даставвал,
Олисдан кўринар бир жуфт оқ терак.
Қуёш ботган, нафас оламан енгил,
Чигирткалар хониш қилгани сари.

Ва нақадар ором топар бу күнгил,
Увласа тун бўйи қишлоқ итлари.
Қишлоқ ўзгарибди замонлар кечиб,
Қанча сувлар оқиб ўтди орадан.
Ўнқир-чўнқир йўлдан дардини тўкиб
Енжирлаб ўтади эшак арава.
Қаршимда туради улуғ бир инсон –
Арпа, тупроқ, тезак ҳиди қоришиқ.
Қанчалар бўлмасин абгор, нотавон,
Баҳри дилим борар эди ёришиб.
Шоқул тоға деган одам шу бўлар,
Елкасида ҳамон ўша кетмони.

“1 май” куни, байрамда, жигар
Райком бово имлаб қолдилар мани.
“Зарбдор, зўр сувчисан, пастларда юрмай,
Биз билан сафда тур, “-дедилар, - сен ҳам”
Лекин, жиян, минбар дегани ҳай-ҳай,
Бир ғалати бўлиб кетаркан одам...”

Эҳ, менинг “шарафли” тоғагинам, бас.
Ҳайкал қўйса бўлар сиз ва кетмонга,
Лекин ҳайкал – ҳайкал, ошу нон эмас,
Ҳеч кимса алишмас бир қоп сомонга.
Нимадир “Уйғониш”, нимадир “нисбий”,
“Референдум” нима – англаши гумон.
Дейлик, кечалари Достоевский
Тушларига кириб чиқмас ҳеч қачон.
Лекин олма нега ерга тушишин
Ньютонсиз ҳам “кашф” этгани-ку рост.
Фақат “Бутун олам тортишишини”
“Муросаи дунё” деб қўйган, холос.

Йўнғичға деганнинг берган додини
Кафтларини меҳнат қўймиш нақшлаб:
Гўё чопиб ўтган туркман отини,
Тўхтатмоқчи бўлган думидан ушлаб.

Тупроққа беланган этикларин ёз –
Қиши демай оёқдан қўймас умрбод.
Тагчарми қўчгани айларди гўё
Шу одамга насиб этганидан дод!
Мабодо бу одам Тангри ёрлақаб,
Ўз тилида шеърлар битсайди шоён.
Шеъридан тер ҳиди анқиши бор гап,
Яна жиндаккина арпабодиён.
“Далама емайди, Шоқул” – деб айтган,
Кимдир ҳазиллашиб ўн беш йил бурун.
Шу-шу даламадан рағбати қайтган
Ўша одам бебурд бўлмасин учун.
Қишлоқда молини қимматга олиб,
Арzon-гаров пуллаб юрган одам шу.
Ўттиз йил шийпонда қоровул бўлиб,
Тошкентни экранда кўрган одам шу.
Бу ер – Париж, тоға – Кристо эмас,
Нима ҳам дер эдим боз арзигулик.
Шунчаки Росбадан деган бир мўъжаз
Қишлоқ...
Ва бор-йўғи бир содда ўзбек.
- Тану жонинг соғми, бормисан, дагар,
Бола-чаканг, отанг...
- Раҳмат, тоға, зўр!
Етти пуштимгача эринмай сўрар,
Елкамга қоқаркан:
- Худога шукур!

ИШОРАТ

Аллоҳ, Аллоҳ нечун меҳринг дарёлигини билмасман,
Иморатлар ила гарчанд ифшолигини билмасман.

Бу гардун кирдикори деб чекурман оҳ ила ағон,
Буле шул ҳимматинг жонга шифолигини билмасман.

Кўз ўнгимда адо бўлмиш – адо бўлмас салотинлар,
Мани дунёга бермак-чун – адолигини билмасман.

Гаки омад кетиб кўнгил шикоят айлар кўқдин,
Ўшал мажрумият – дафъи балолигини билмасман.

Соғиндинг пок нафаским, бас, шукrona қилса булмаску,
Мунинг пайровида нафсин ҳаволигини билмасман.

Кўнгил мулкида озодмен, vale мохлик ҳавас қилдим,
Ки шоҳларким – ҳавас қилдим – гадолигини билмасман.

Каломуллони хатм этмай илм саҳросига чиққан,
Чавандозмен – таним бошдин жудолигини билмасмен.

Бу дунёning сафосига учиб, мармандалар бўлдим,
Неча шарманда бўлсамда – рўёлигини билмасмен.

Бу Субҳоний жами иллат ва дардига даво излар,
Вале ҳар бир ишорат – бир Синолигини билмасмен.

ЛЎЛИ ҚИЗ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Кафтимни қўй, кўзларимга боқсанг-чи, жонон,
Жонга тегди сизнинг ўша афсун-ушуқлар.

Бу тақдирим, қолаверса ўзимга аён –
Йўлларимни кесиб ўтган қора мушуклар.

Истасанг, юр, Бухорони кўрсатай сенга,
Маша ошиқ қайрағочлар,
Тагида булоқ....
“Қонингизда бўлган ўша ишқ жун унига
Ҳавасим бор” – деган эди Искандар Блок.

Лекин гоҳо таажубда қоласан, эркам
Шекспирни “фожианинг пири” дедилар.
Билсанг ўша Ромеонинг ҳасратлари ҳам,
Менинг чеккан оҳларимга яқин әдилар.

Кафтимни қўй, кўзларимга боқсанг-чи, жонон,
Вужудимда сезмоқдаман ғаройиб бир ҳол:
Бобо Ишқий қулоғимга айтмоқда аzon,
Боз устига ўзинг ҳафда очолмайсан фол.

... Чорраҳада ногоҳ кўздан адашди ақлим,
Юрак, дедим, қўй, энди ҳам алдама мени!
Кўк кўйлакли фариштага баралла айтдим:
Каломулло урсин агар – севаман сени!

СОТҚИН ДУНЁ

Айримлар бор бўз сотиб тирикчилик қилади,
Айримлар бор сўз сотиб тирикчилик қилади.

Очиқ савдо дегани чегара билмас экан –
Айримлар бор юз сотиб тирикчилик қилади.

Мехр – савдо, ишқ – савдо,

Баҳор – савдо, қиши – савдо.
Ор ила номус сотиб тириқчилик қилади.

Хуллас, сотаман деса бунинг бир давоси йўқ,
Ой билан юлдуз сотиб тирикчилик қилади.

Бир Субҳоний сотарға ҳеч ўқуви йўқлардан,
Ҳар лаҳза ёқа тутиб тирикчилик қилади.

ОДДИЙ ОДАМ
Бухоролик хонанда Эшпўлат ОРТИҚОВга

Оддий инсон бўлиш нақадар қийин,
Оддий сўз ва оддий ақл-тафаккур.
Улуғлик даъвоси – шайтоний ўйин,
Унда паноҳ топар кибр ва ғурур.

Аслида “кема”миз тешилган, сузиг
Кетаяпмиз ўйин-кулги бизга ёр.
Чунки остимизда кўксини босиб,
Ёриқни бекитиб турган одам бор.

У оддий одамдир ва бошқа ҳеч ким,
Жасорат кўрсатиб кутмайди қарсак.
Ўз хизмат бурчини бажаради жим.
Кўксига тақмайди “темир-ул терсак”.

Дунё ҳам бу қадар қўймасди, ишон,
Агар бўлса эди ҳар битта банда:
Эшпўлат акадай хокисор инсон,
Ва факат унингдек оддий хонанда.

ИССИҚ ЁЗ

Үрик дарахтига арқон ошириб,
Арғимчоқ учади жажжи қизалок.
Шамоли енгини үйнаб, шошириб,
Сунбул соchlарига бўлади тароқ.

Иссиқ ёз...
Күёшнинг ўқ-найзаси тиқ,
Этигини ечмай ётар ўроқчи.
Тўп этиб тушади қирмизи ўрик –
Ёриғидан чиқар “митти қароқчи”

ХУВИЛЛАГАН РУС ҚИШЛОҚЛАРИ

Чалғисини унуттан халқ,
Унуттан армумоқни,
Кишлоғини ташлаб кеттан
“Эх, бекафан Россия!”
Беш юз йиллик гуноҳларни
“500 кунда” ювмоқни
Хаёл қилган “ялқов мужик”
“тентак Иван” – Россия!
Билсанг, пушти паноҳинг бу –
Сиғдирмас икки олам.
Милиқнин қўй, чалғини ол,
Алданганинг етар, бас,
Имон келтир: улуг әрур
Русдан бошқа халқлар ҳам!
Ҳувиллаган рус қишлоғи
О мушфик онагинам!
Сени ташлаб кетганларни
Қарғишинг тутмиш бу ку
Фарзандингни оқ қилдингми –

Кўли ойга етса ҳам.
Оғзи нонга етмай қолди,
Уст-боши эса юпун.
Йўқ, азизим, асли сени
Тарк этганлар рус әмас,
Фароғат деб Ватан кечмоқ
Асл русга етти ёт.
Улуғ Руснинг чироғини
Ёқиб юрганин билмас
Хув кулбада чалғишига
Қайроқ уриб турган зот...

ТАҲОРАТ
Бухоролик танбурнавоз Шоди ШАРИПОВга

Гўдакнинг қалбини қайдан олибсиз?
Бунча пок бўлмаса туйғу, ҳиссиёт?
Ёвузлар ичига қўрқув солибсиз:
Гўзал ҳиссиётлар ўлмади наҳот?!

Ичида аждари борлар гапирсин:
“Шунчаликми бу қалб – ўйноқи, дилбар!”
Ўзини “фаришта” дерлар гапирсин:
“Ҳали тирик экан чин фаришталар!”

Яшамоқ истаги туғилар манда
Шундай одамлар бор ва бу қандай соз!
Эй, валбини ювмоқ истаган бандা,
Кафtingни оч – қўйсон тиник эҳтирос!

Мана бошим узра ёришди осмон
Табиат бунча ҳам бўлмаса хушрўй!

Дилим дарвозаси очик, кел, Қуръон,
Жонбахш ояларинг юрагимга қўй.

“Аввал шул таҳорат бизларга вожиб,
Сўнг бошқаси” – дея айтгувчилармиз.
Биз ахир, неча бор дунёдан кечиб,
Неча бор дунёга қайтгувчилармиз.

КОРРИДА

Ер ҳайдаб хориган жафокаш ҳўкиз,
Бугун озод майдон ичра қиласар жанг.
Маккор тореодор эса изма-из,
Унга найза санчиб қочади аранг.
Ҳўкизга санчилган найзалар гўё
Ҳиндулар сардори бошидаги тож.
Тореодор қочар, қўлида мато.
Атрофдан олқишлиар ёғилар: “Қоч, қоч!”.
“Санч, санч!” хитоблари урлар ҳавога,
Тағин битта найза суқар “қаҳрамон”,
Ўкириб беради ҳўкиз самога:
“Менга нима қастинг бор эди инсон!?”
Йўқ, йўқ бунга чидаб бўлмайди ортиқ:
Адолатдан эмас, бу нечук савдо?
“Эй, буқа, сенга шу қувватга лойик,
Фаросат ҳам берса бўлмасми худо?!
Матога ташланиб нима қиласан,
Ахир, бу бор – йўғи бир қулоч латта.
Панасида турган чин душманингдан
Ҳар сафар қолурсан нечун ғафлатда?!
Маккор қаршисида тиз чўкар, кулар,
Оломон қуршаган ерни титратиб.
Сўнгти бор самога бўкириб, улар.
Мағлубни майдондан судраб кетарлар,

Үртада мағур ғолиб “қаҳрамон”,
Оғзи қулоғида, олқишлиар янграб,
Гулларга күмилиб боради “шайтон”.
Сүнг тағин бир хўқиз пишқириб чиқар,
Ҳайбатидан девлар қўрқади ҳатто,
Ва янги “қаҳрамон” унга ошикар –
Қўлида тамоман янгича мато...

ЕТОЛМАСАМ – ЕТОЛМАСАНГ

Кипригингта қорлар қўнса
инжа-инжа қорлар қўнса,
Қўғирчоқли қизалоқдай
қиқир-қиқир куласерсанг.
Сен томонга югурсам мен,
мен томонга югурсанг сен,
Югурсам ҳам, югурсанг ҳам
етмоқ душвор бўлаверса...
Югурсам мен, югурсанг сен
Тугамаса қорли йўллар
Ўрмон қолса, дала қолса,
дунё қолса – қолаверса...
Етолмасам, етолмасанг
бундан кўра рози эдим
Йўл-йўлакай бу жонимни
олаверса-олаверса....

СОНЕТ

Содир бўлди ўша машъум воқеа,
Ағёр – ғолиб, бизга берди кулфатни.
Афсус, асролмадим, асрай олмадим
Менга бағишланган буюк неъматни!

Мен томон бўй чўзган гуллар топталди,
Қоронғи тус олди ойдин тушларим.
Юрак зиндона ишларимда қўршапалакдек,
Айланар кечаги озод қушларим.

Татийман аламнинг аччиқ таъмини,
Изтироб куч билан йиртади яқо.
Юрак – гарданимга илинган харсанг,
Сувга чўка туриб излайман паноҳ.

Ҳар қанча қоронғи бўлмасин зиндон,
Бир ёруғ туйнук бор, азизим, ишон...

МИЖГОНЛАР

Ўзини кўз-кўз этмоқдин пириллаб эмди мижгонлар,
Бирам шўх ишвалар бирла куларлар соч паришонлар.

Дугонжони қучоғига кириб кетгундайин алфоз,
Ва гўё бошқа мавзуда гурунглар бу дугонжонлар.

Узун, қайрилма киприкни қўярлар goҳ юмиб қаттиқ
Мунингдекким туёғини тираб олгувчи жийронлар.

Ва бундан-да муҳим гап йўқ каби бормоқда ҳангома
“Муҳим гап” барқарор эрса – нигоҳлар бунча сарсонлар?

Қоши сарҳадини ошган кокиллар мисли пистирма
Ки мижгони ўқ узмоққа топар ўғринча имконлар.

Ҳар ўқ узганда бир кўнгил фифон қилгувчи оғатким
Чалажон қанча билмасмиз ва қанча бўлди қурбонлар.

Оҳ урсам “мақсадинг не?” – деб, нечун бағримни ўртайсиз?
Боқарлар беписанд, гүё баридан бехабар онлар.

Ўқурман шул заҳоти гул юзидан лавҳи тақдирни:
“Фақир ҳолидин, эй, нодон, хабар топгайму ҳеч хонлар?!”

Яна бор эрди бир ҳикмат: “ки қулсен – то абад қулсен,
Насиб қилмас шаҳаншоҳлик узилса ҳамки осмонлар!”

Кел, эй, тарк айла Субҳоний фалак ҳою ҳавосини,
Танангда ўйла: не қилди ярим дунёни олғонлар!

ПИРИ КЕТТАН ЮРТ

Имом Бухоройни қувганнинг билан,
Косанг оқардими “Шариф” Бухоро?
Кейин минг бир марта ювганинг билан
Асрий шўрни қила олдингми адо?!

Қара, осмонингда турналар учмас,
Лайлак ҳам бош олиб кетди ногаҳон.
Ёғийга таланиб келдинг басма-бас,
Қалқон бўлди юзлаб Имом Қозихон.

Ҳасад, фисқу фужур, кину адоват,
Нечун ич бағрингни тарк этмас ҳамон?
Балки шунинг учун табиий офат –
Шунинг учун оқиб келмас Зарафшон?!

Машраб этак қокди уч юз йил бурун,
“Фарангу кофир” деб тамға босарок.
Шаънингни тараннум қилгани учун

Фитратни сазойи айладинг бироқ.

“Пир кетганми” дейман – битта ҳам ўғлинг
Үз юртида қолиб тополмас камол.
Пешонангда битган муттаҳам, ўғринг,
Фариштадай бўлиб юрар bemalol.

Биқинингга бехос туртганим учун,
Оғиз бурним қонга тўлди, баҳудо.
Ва синик қўзамга чанг солиб бугун,
Охирги кулбамдан айладинг жудо.

Эмишки, дарёлар оқар тескари,
Қуёш ғарбдан чиқиб шарқقا ботади.
Осмон ҳам узилган, бундан ташқари.
Субҳоний энди йўқ, барҳам топади.

Мана шу таълимот, нима ҳам дердим,
Тўғриси кимга ҳам айтаман ахир.
Нима эккан бўлсан ўшани ўрдим
Гинахонлик нечун, ғамбозлик надир?!

Фақат ўз ҳаққимга қилман дуо:
Мусафро ва ёруғ бўлсин осмоним.
Қалбимни тарқ этмай турса бас, танҳо,
Дилбарим, малагим – шеърий имоним.

ШЕЪРИЙ ИМОН

Бир замон юлдузни қоралар әдим,
Бир қўлимда офтоб, биттасида ой.
“Дўстлар” кўплигидан саралар әдим,
“Маҳбубалар” аро танлардим чирой.

Одам-одам эмас, ҳазрати Одам,
Инчуинин, маймундан тарқаган эмас,
Теваракда эса, гулистон олам –
Нимаики бўлса, бари – муқаддас.

Умр деганлари югурик дарё –
Гоҳида омад-у, гоҳи ноомад.
Кунлар бор; бошингда чақнар сурайё
Кунлар бор; номини дерлар “қиёмат”.

Мана, етиб келди бизга ҳам кулфат,
Бир баҳона бўлиб, худога шукур.
Тун-у кун ғам билан тутаниб улфат,
Иддаоси ила топаман “хузур”.

Балки бу бир сабоқ, балки имтиҳон,
Ҳар қанча фалсафа тўқисам бекор.
Майли-ку ва лекин қолганим ҳайрон:
Атрофимда одам топмоғим душвор...

Қани у мен севган одам боласи?!

Бир бағримга босай айлаб эҳтиром.
На оқи кўринар ва на қораси,
Бир пайлар соямга берганлар салом.

Мен бир оддий одам, жайдари одам,
Буюкликни даъво қилмасман бироқ.
Кунларингни ёруғ этолмасам ҳам,

Тунларингта бўлай девдим шамчироқ.

Бир-икки самимий, пок сўзим билан
Ҳисса қўшай дедим маънавиятга.
Шунинг учун олис тоғлар бағридан,
Тушиб келган эдим бу жамиятга.

Энди яна қайтгум, аслимга қайтгум,
Тоғу тошлар бўлсин тағин бошпанам.
Энди пиҷирламай ҳайқириб айтгум,
Акс-садо берсин Ҳисортоғ – онам.

Ўткир тиф – марварид чўққилар узра
Узоқ янграб турсин ўша овозим.
Қасов-қалам билан битгум назира
Чўнг қоялар бўлсин – “Дафтар - қофозим”

Ажаб, қай бир хаёл, қай йўсин тақдир,
Мени олиб келмиш тубанлик сари?!
Маконим юксакда эди-ку, ахир
Яъни осмонўпар Ҳисор тоғлари!

БУХОРО ШАШМАҚОМИ

Йўқ, мусиқий дунё ҳали бу ҳолни кўргани йўқ,
Қўй – оҳангдан бунинг каби тоғ – эҳром қургани йўқ.
“Илиада”, “Маҳабҳарат”, “Минг бир кеча” – бир олам,
Ҳатто шулар “Шашмақом”га бўй бермас – бергани йўқ.
Бухоронинг шашмақоми шундай буюк ҳайкалдур,
Икки дарё орасида ёниб турган машъалдур.

Жафо чеккан халқлар ичра жафокаши бу Турон;
Аҳмонийлар, Искандару, Кутайбаю, Чингизхон...

Талаб кетди, талаб этди, сўнгра кетди нимталаб,
Таланган халқ юрагида пайдо бўлган бу “вулқон” –
Бухоронинг шашмақоми шундай буюк ҳайкалдур,
Боболарнинг қони билан суғорилган пайкалдур.

Ким яратди, қай улуғ зот, бу не жазба, бу не шавқ?!
Шаҳаншоҳлик либосини ечиб гўё киймиш далқ.
Бу – пинҳоний ибодатдир, пинҳон тутдилар ўзни,
Ижод килган, ижро этган, фарёд чеккан бутун халқ!

Бухоронинг шашмақоми шундай буюк ҳайкалдур,
Минг йилларким бул хазина соҳибига маҳталдур.

Маънавият айвонида олти устун, олти тоқ:
Бу – “Бузрук”, бу – “Рост”, бу – “Наво”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ” ва
“Ироқ”
Ўн саккиз минг олам ичра беш қувват бўлса агар,
Бу олтинчи қувват эрур, кашф этилмаган бироқ.
Бухоронинг шашмақоми шундай буюк ҳайкалдур,
Комил инсон андозаси зеб берилган сайқалдур.

Мақом асли – “муғом”, яъни муғлар айтган ривоят,
Аждодларим муножоти сингдирилган рисолат.
Миллий имон, руҳий исён, ёвузиликдан шикоят,
Эзгуликка бағишлиланган бир мусиқий ибодат.
Бухоронинг шашмақоми шундай буюк ҳайкалдур,
Муғанийлар чўғ қалаган мангу ўчмас манқалдур.

Онам аитар: мурғаклиқда қирқ кечаю-қирқ кундуз,
Бир сабаб йўқ – чинқирганман, тиним билмай, изма-из.
Кор қилмагач на табибу, на ҳабиб, дори-дармон,
Доя кампир деган экан: “Бунга илму фан ожиз...”
Бухоронинг шашмақоми шундай буюк ҳайкалдур,

Субҳонийнинг ўша дарди даво топган сандалдур.

КУЗГИ БОҒЛАР

Оёғим остида қизғиш япроқлар
Ҳазон инграб қолар – ғамлари чуқур.
Бошим узра сокин, заъфарон боғлар,
Чуғурчуқлар тақиб айлар тафаккур.
Одимлаб бораман – оҳиста қадам,
Танамда минг турли дунё ташвиши.
Аммо менинг учун танҳо битта ғам –
Бошқаларнинг менга бўлмасин иши.
Майли дунё йиғсин, кўкарсин, унсин.
Майли остонаси бўлсин тиллодан.
Фақат мени улар бир зум тинч қўйисин
Сўрайман бир лаҳза ором Аллоҳдан.
Мен ўзимга қайтай, қаъримга чўкай,
Менинг ҳам муқаддам “тиллоларим” бор.
Ким ёқамдан олса – бошидан тўкай,
Мени тинч қўйса бас, бўғмасин такрор.
Дунё талашмайман, баҳузур олсин,
Кам бўлса олсинлар яна ва яна.
Фақат ўз хаёлим ўзимда қолсин,
Тортиб олмасинлар сўнгти “бошпанам”.
Мен шу хаёлларим ила бадавлат,
Уларсиз ким бўлдим – ҳувиллаган чўл.
Гўзал туйғуларим топмасин шикаст,
Шуларга ҳеч кимса узатмасин қўл.
Шу боғларни қўйинг, бағишлианг менга
Самимий дўстларим ҳар битта дараҳт.
Қасида битаман нофармон тонгга,
Сарғайган япроқлар – “олтин тожу тахт”.
Ҳеч кимга ёмонлик истамайман, йўқ,

Хеч кимса заррача топмасин озор.
Ва шунда менинг ҳам күнглим бўлар тўқ.
Сиз ҳам хотиржамсиз, мен ҳам баҳтиёр.
Ўзни “фаришта” деб, “гул”га ўрайди,
Тубанликка ботиб чиққан ҳаннотлар.
Ҳар қадамда мендан виждон сўрайди,
Виждон кўчасидан ўтмаган зотлар.
Ишонинг, мен нафас олсан пайдар-пай,
Сизга ҳаво етмай қолмас ҳеч қачон.
Юкларингиз бўлса елкамни тутай,
Фақат сиз нолиманг, чекманг оҳ-фиғон.
Лозим бўлса олинг йиртиқ тўнимни,
Афсона – янгиси менда бўлиши.
Фақат қаро қилманг ёруғ кунимни,
Шундай ҳам қоронғи ойнинг ўн беши.
Менинг бўлганим шу, шудир бўларим,
Сиз бўлсангиз ташвиш қиласиз мудом.
Сўраганим фақат ўз хаёлларим,
Бир лаҳза, атиги бир лаҳза ором...

ҚИЗИЛ ТАНТАНА

Қизил дуррачада, қизил палътода,
Қизил ёноқлари ловиллаб яна.
Қор узра қирмизи олов сингари,
Одимлаб боради қизил тантана.

Ғарч-ғурч қор босади – ўлмаган қитик,
Очиб ўқилмаган бу “Қизил китоб”.
Йўқ-йўқ, бу бир исён – бостирилмаган.

Қон рангида содир бўлган инқилоб.

Уни бостиromoқчи бўлиб болалар,
Қор тўплардан ўққа тутгани сайин.
Ажабки, тарқалиб кетиш ўрнига,
Бир жойда куч тўплаб, олар букчайиб.

Ҳеч кимни менсимай, ғарч-ғурч қор босиб,
Дадил қадам ташлаб бормоқда ғуур.
Бир қаранг ҳавои тумшуқласига:
Пистирмада кутар пинҳоний ҳузур.

Олов дедик, аммо нафаси оппоқ –
Аланга оғзидан қор чиққан каби.
Эрта тонг сахардан алвон либосда
Намойишга чиққан “фитна мактаби”.

Ҳамма ғафлат ичра ётган маҳалда,
Қўққисдан ҳужумга ўтган бу “ёғий”.
Халқ ғамини ейсан, илло энг аввал,
Ўз жонингга раҳминг келсин, Субҳоний!

“РУСИЯНОМА”
(СЕРГЕЙ ЕСЕНИНга)

Сергей оғам, мен ҳам шоирман,
Гарчи бундан воқиф, бир ўзим.
Фақат сендек шўх, дилкаш эмас,
Созим бору, йўқдир овозим.
Шунинг учун турфа мақомда,
Аҳён-аҳён битурман ашъор.
Бу шеърларнинг кўплари ёлғон,
Баъзисида нималардир бор.

Дерлар – нечун ўз жонингта сен,
Қасд қилганинг то ҳануз жумбоқ.
Оғам, бу сир менга-да аён,
Айтолмасман ҳеч кимга бироқ.
Туркистон ҳам Русия каби,
Беадоғ юрт, бекиёс, дилбар.
Боболарим инсон руҳининг
Чўққисига уришган қамар.
Вале ҳеч ким рус шоиридек,
Бу тупроқни куйлай олмади.
Оддийгина дехқон тилида
Бир калима сўйлай олмади.
Болаликда менга ҳам бобом:
“Ачитма, - дер эди, - мияни...”
Бувим эса дерди ачиниб:
“Сўлини ёз ёки бияни!”
Мен ҳам севдим ўн олти ёшда,
Оқ кўйлакли бир қизни чандон.
Фақат шунда сиренъ гул эмас,
Юзларига урилган райхон.
Менинг ҳам бор она қишлоғим,
Фақат эмас Константинова.
Овлоққина, қўримсизгина,
Лекин дунё деганим – Узра.
“Бебош” эдим мен ҳам у кунлар
Бу рафторим барчага маълум.
Ва лекин мен туғилган юртда
Пахта эрур ҳаёт ва ўлим.
Табиатдан қолмади асар,
Пахтазордан иборат бари.
Лекин тамом ўлиб битмаган
Турон отлиғ улуғ юрт ҳали.
Мактаб чоғи пахтазор – “Ватан”,

Кетар эдик бадарға бўлиб.

Қўлтиғимда – Паустовский,
“Олтин гули” ёғдуга тўлиб...
Ғўзаларнинг таглари пана –
“Олтин гул”да сайр этардим
Адиб юлиб қалбидан “тилла”
Ховуч-ҳовуч хайр этарди.
Қулоғимнинг остида шавла,
Қайнатарди муаллим шу он.
Китобимни тортиб олароқ,
Дерди: “Одам бўласан қачон?”
Ҳозир пахта – энг буюк ғоя!
Гар ўқисанг – Уйғунни ўқи,
Шуям китоб бўлдими, ахир,
Ҳеч бўлмаса Туйғунни ўқи.
Тунов куни мактаб фарроши.
Йўлиққандада сўрдим хеш билиб,
Деди: “Ароқ бошига етди,
Худо раҳмат қилсин, ишқилиб...”
Ҳа, “пахтазор – мардлар майдони!”
Шудир бизнинг олий ҳақиқат.
Товуқ кўпроқ тухум туғса ҳам,
Партияга айтамиз раҳмат.
Бу куйларга солган ким, десанг,
Чимирилар айтсам, қошлиаринг.
Бизнинг ҳоким танпарварлару,
Ҳамда сенинг ўтмишдошларинг.
...Шеърбозларга серобмиз биз ҳам,
“Шеър ёзиш-ку қийин иш эмас”.
Илло дехқон дилига калит –
Бир қалам йўқ – тўпори, саркаш...
Пойтахтларда кўплари “машхур”

Бароридан келган “овлари”.
Нетай, менинг күнглигма ботмас,
Қофияли гап чайқовлари.
Шұхрат, мансаб, мукофот қувиб
Адо бўлди не-не шоир қалб.
Китобларга тўлди ҳамма ён,
Аммо шеърга ёлчимади халқ.

Ушбу сафда мен ҳам шоирман,
Овозим йўқ, бўлса-да созим.
Шу шеъримни ёзмоқ учун ҳам,
Қарзга олиб турдим овозинг...

АҚЛЛИ ШАЙТОН

Сендан ҳеч ким гина қилмас ҳеч қачон,
Бир жойинг лат емас, тайёр ошу нон.
Давраларнинг тўри мунтазир, зеро,
Сен ғоят мукаммал, ақлли шайтон.

“Бу ахмоқ, девона юракларга ҳеч
Ақл кирмади” – деб ачинасан goх, -
“Аллақандай” ишқ деб, эътиқод дея,
Умрини қўйдириб ўтмоқда, э – воҳ.

Ўзи юпун, бола-чақанг-чи абгор,
Нимага эришдинг имонни асраб?!
Бу кўхна дунёдан ола билгани
Бир қулоч ип бўлди бобойинг Машраб!

Биз-чи, биз бошқамиз, ақлимиз бутун,
Ҳам иззат, ҳам сиҳат-саломат мудом.
“Катта” кўнгиллари тусаб қолса гар,

Рафиқамизни ҳам этамиз инъом...”

Шу ерда түхтагин, эй, ҳаром ақл,
Кел “азиз” бетингга тупуриб олай.
(Кейин яна даъво қилурсан, чунки)
Чекланган мендаги тоқат ҳар қалай.

Боқ, ариқ бўйида жийда гуллабди,
Остидаги гиёҳ қанча бокира.
Терак шивирига қулоғинг тутиб,
Ҳаётни ҳис қилганмисан сира?!

Ҳеч қандай режа ва ҳисоб-китобсиз,
Марҳамат, ҳидлайвер райхон гулини.
Бошингдан қуёшнинг зарини сочиб,
Худо сўрамайди сендан пулини.

Атрофга бир қара – ҳамма ёқ текин,
(Осмон ҳам, баҳор ҳам, табассумлар кам.)
Қушларга бастакор, чолғу керакмас,
Кифоя – қувонч ва андаккина ғам.

ЮРАГИМ

Юрагимга буйруқ беролмайман, йўқ,
Юрагим – ўйиндан ташқари ҳолат.
Унинг қонунлари бамисоли ўқ –
Ўз-ўзидан қарор топганadolat.

Унда хато бўлмас – ҳақиқат нуқул,
Чизган чизиғидан чиқмас тафаккур.
На баҳона ва на шикоят қабул,
Фалсафаси эса жуда ҳам чуқур.

Чунки унда Тангри яшайди танҳо,
Ҳар хил суратларда бўлиб намоён.
Бу бир улуғ тахтким – муҳаббат ва ё,
Гўзаллик номидан ўқилар фармон.

БИР КАМ ДУНЁ

“Бир кам дунё” дерлар, бу гапда жон бор,
Қачон буткул тугал бўлган бу дунё.
Ҳар қадамда бир айб, бир нуқсон такрор.
Ҳар қадамда ечиб бўлмас муаммо.

Ҳали табиатга қилинар зуғум,
Ҳали уруш, ҳали табиий офат.
Бир одамнинг ором олмоғи учун,
Бутун бошли халқлар, мамлакат форат.

Уни тузатмоқчи бўлганлар қанча,
Не-не ислоҳотлар кетмади абас.
Ҳар исёнкор зотни киприк қоққанча,
Ё дор кутар эди, ё темир қафас.

Эҳтимол қачондир келади бир кун,
Буларнинг барчаси топар интиҳо.
Қорни очлар қолмас, қолмайди юпун,
Жаҳонда битта ҳам қолмас муаммо.

Ариқларда чиндан асаллар оқар,
Тўрт фасл баҳордан бўлур иборат.
Ҳар одам бошида бир қуёш чиқар,
Фақат сен қолурсан то абад – ҲАСАД!

Фақат сен қолурсан, эй, бани одам,
Қалбіда бошпана топған аждахो.
Оламдан аримас фақат битта ғам,
Бир буюк муаммо, бир буюк хато!

“Бир кам дунё” дерлар, ўша битта кам,
Бир ортиқ ҳам ўша түйғу ниҳоят.
Күзи ожиз бўлса, Аллоҳга қасам,
Кўз тиламас – ҳамма кўр бўлса шояд...

Дунё пайтаваси бўлса гар, ёху,
Унга тушган қурт шу, ўша қирқоёқ.
Ушбу чоқ мен қалам тутмоқдаман, у
Панада қўтариб турибди таёқ...

ЭНГ ОЛИЙ ЖАЗО

Дунёда жазонинг тури қўп экан,
Ҳар ерда турлича қийноқ усули.
Юлғичлар сазойи қилинган, ёхуд,
Бешафқат чопилган ўғрининг қўли.

Осишган, бўйнига лангарни илиб,
Сувга чўқтиришган, кўзни ўйишган.
Бошига хамирдан ҳовузча қилиб,
Қайнаб турган мойни сўнгра қуишишган.

Мана шулар “олий жазо” дейилур,
Яъни бориб турган, энг буюк қийноқ.
Бундан ортиқ азоб борми дунёда?
Йўқ, деб айтишади, бор экан бироқ.

Бирорнинг кўнглига бехос, баногох,

Ранж етказиб қўйсанг, етказсанг озор.
Юрагига тушган шу “қора тош”ни
Қўзғата олмасанг, етмаса мадор.

Ўз-ўзингга пайдо бўлсаю нафрат,
Қийноқ оловини ўчиролмасанг.
Ҳар қанча оқлама, кўклама, бироқ,
Ўз-ўзингни сира кечиролмасанг...

Бирор сени хафа қилса мабодо,
Бира тўла кечиб юбормоқ осон.
Ўз-ўзингни хафа қилиб қўйсанг-чи,
Ва баданинг бўлса ўзингга зиндан.

Бундан ортиқ жазо бўлурми, ахир,
Бундайни кўрмаган дунё қўз очиб.
Қаёққадир кетмоқ бўласан, бироқ,
Қаёққа борардинг ўзингдан қочиб.